

ся на протяжении всей жизни человека и испытывающий на себе воздействие целенаправленных усилий семьи, школы, вуза и самой личности, а также влияние случайных явлений, стихийно возникающих событий, непредвиденных встреч и незапланированных бесед.

Таким образом, культура чтения – это стратегия деятельности в информационном текстовом пространстве, включающая умения находить нужную информацию, адекватно ее воспринимать и оценивать, творчески использовать для своего развития.

Литература:

1. Добрынина, Н. Е. По ступеням культуры чтения/ Н. Е. Добрынина// Библиотекосведение. - 2000. - №3. - С.53-57
2. Коджаспирова Г. М. Педагогический словарь. - М., 2005. С. 70
3. Примаковский, А. П. О культуре чтения: методы самостоятельной работы с книгой в свете научной организации умственного труда/ А. П. Примаковский. - М.: Книга, 1969. - 158 с.
4. Быданов В. Е. Методические указания для студентов по работе с первоисточниками в курсе «Философия». – СПб.: СПбГТИ (ТУ), 2011. – 27 с.
5. Библиотечная энциклопедия/ Рос. Гос. б-ка. - Изд-во РГБ «Пашков дом», 2007. - 1300 с.: ил.
6. Тихомирова И. И. Свободное или обязательное чтение в XX веке: конфликт или диалог?// Школьная библиотека. - 2006. - № 7. - С. 75-77.
7. Данилюк, А. Я. Концепция духовно–нравственного развития и воспитания личности гражданина/ А. Я. Данилюк, А. М. Кондаков, В. А. Тишков. – Москва: Просвещение, 2009. – 29 с.
8. Чернышева Л. Н. Актуализация и пропаганда чтения как социально педагогическая проблема: опыт Великобритании// Глобализация и образование в современном мире: мат. междунар. конф. - М.: ИТИП, 2008. - С. 177-181.
9. Тимофеева Ю. В. Проблема культуры чтения в современном мире// Культура и образование. – Июль 2014. – № 7 [Электронный ресурс]. – Режим доступа: URL: <http://vestnik-rzi.ru/2014/07/2222> (дата обращения: 15.04.2017).

Ш. НОРМАТОВ



КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИ ҲИМОЯСИГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

The purpose of this article is to investigate complex issues of classifying library resources and ensuring their information security based on an analysis of the information security problem in library systems.

Key words: library systems, digital library, library assets, information security, data protection, assessment model, information resources.

НОРМАТОВ Шербек Бахтиёрович – Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети докторанти

Бугунги кунда кўпгина соҳалар каби электрон кутубхоналар ривожланиши билан бирга ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммосининг долзарблиги янада ортди. Бунга сабаб қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ахборот-кутубхона тизимларида ва тармоқларида сақланаётган ахборотлар ҳажми ҳамда кутубхона фойдаланувчилари сонининг кескин ошиб бориши;
- ахборотнинг муҳим ижтимоий, иқтисодий, стратегик фаоллик хусусиятларининг ортиши;
- ахборот хавфсизлигини ишончли таъминлаш воситалари нархининг нисбатан қимматлилиги;
- электрон кутубхоналар хавфсизлигини таъминлашнинг усул- воситалари ва бошқа таъминотларининг тўлиқ шаклланмаганлиги;
- кутубхона мутасаддилари ва ходимларида ахборот хавфсизлиги бўйича билим ва кўникмаларининг юқори эмаслиги ва ҳақозо.

Юқорида келтирилган масалалар кутубхоналарда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини яратишни тақозо этади. Ушбу тизимга кутубхона ахборотларининг қуйидаги хусусиятларини таъминлаш ва доимий сақлаб туришнинг умумий талабларлари жорий этилиши мумкин:

- электрон кутубхонанинг қонуний фойдаланувчилари учун ресурслардан эркин фойдалана олиш имконияти;
- ахборот тизимларида қайта ишланаётган ва сақланаётган ҳамда алоқа канали бўйлаб узатилаётган кутубхона ахборот ресурсларининг яхлитлиги ва ҳақиқийлиги;
- ахборотларнинг конфиденциаллиги,
- шахсий маълумотлар дахлсизлиги.

Электрон кутубхоналарнинг хавфсизлигини таъминлаш муаммосига қаратилган бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, Малайзиялик мутахассислар Р. Исмаил ва А. Заинаб ўз ишларида электрон кутубхоналар билан ишлайдиган фойдаланувчиларнинг кўплиги ва турли- туманлиги боис хавфсизликка ҳам қатор талаблар қўйилишини ва фойдаланувчиларнинг ҳар бир тоифасида турлича хавфсизлик эҳтиёжлари мавжуд бўлишини баён қилишган [2]. Россиялик Ф. М. Николаевна ва И. Э. Михайловичлар хавфсизлик мажмуи кутубхона тизимлари маълумотлар базаси, веб-сайтлар, қурилмалар, маъмурлар томонидан бошқарилувчи дастурий таъминотлар каби умумий унсурларни ўз ичига

олишини кўрсатиб ўтади [3].

Ж. Кузма эса ўз мақоласида кутубхона тизимларига бўладиган таҳдидларни таснифлаб, айрим кутубхоналарга уюштирилган ҳужумларни келтириб ўтади. Унинг таъкидлашича, 2002 йилнинг ёзида ва 2004 йилнинг май ойида АҚШнинг Индиана университетида хакерларнинг ҳужуми оқибатида икки маротаба хавфсизлик қоидаларининг бузулиши кузатилган. Натижада янги ҳимоя воситаларини қўшиб, тизимни тиклаш ва модернизациялаш учун кўп вақт ва куч сарф этилган [1].

Й. Мёнго кутубхоналар ҳимоясининг физик воситаларига эътибор қаратиб, кулфлар ва огоҳлантирувчи қурилмалар, кузатув камералари, RFID технологияларининг қўлланилишини келтириб ўтган [4]. Кутубхоналарнинг физик хавфсизлигини таъминлаш бугунги кунда бир қадар ўз ечимини топган.

З. В. Родионова ва Л. К. Бобровлар ўз ишларида кутубхона электрон ҳужжат айланиш тизимлари, электрон тўлов тизимлари ҳамда кутубхона ходимлари ва фойдаланувчиларининг шахсий маълумотлари хавфсизлигини таъминлашнинг долзарблигига тўхтаб ўтадилар [5]. Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунга келиб кўпгина кутубхоналар ўзининг тўлов асосида амалга ошириладиган интерактив хизматларини йўлга қўймоқдалар.


Ж. Балашнинг таъкидлашича, турли соҳалар билан қиёслаганда кутубхона маъмурларида бошқалардан фарқ қилувчи муаммо мавжуд. Улар ходимлар, шунингдек кутубхоналарда компьютерлардан фойдаланувчилар ва уларнинг веб сайтларига ташриф буюрувчилар каби кенг жамоатчилик учун хавфсиз тизимни таъминлаши шарт [6]. Шунингдек, у бугунги кун кутубхоналари ўзларининг хусусий тизимидан фойдаланилганда мижозларнинг ҳаётини дахлсизлиги ва шахсий ахборотларини хавф остига қўймаслик чораларини кўришлари кераклигига алоҳида урғу беради.

Кутубхона хизматларидан фойдаланишга руҳсат олиш учун ташриф буюрувчилар ўзларининг манзил, телефон рақами каби шахсий маълумотларини қайд ёзувларига киритишлари лозим. Бу эса хавфсизликка бўлган талабни янада оширади. С. Томпсоннинг фикрича, баъзи хусусий кутубхоналар маълумотлар базасининг обуна бўлиш нархи қимматлиги сабабли бу ресурслар хакерларнинг алоҳида қизишини уйғотиши мумкин [7].

Шуни қайд этиш лозимки, ҳар қандай ахборот тизимининг хавфсизлигини таъминлаш комплекс характерга эга бўлиб, тизимларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб усул ва воситаларни тўғри танлаш ҳамда хавфсизлик сиёсатини юритиш муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра кутубхоналарнинг ҳимоя объектларини моддий ва номоддий турларга ажратиб олган маъқул (1-жадвал).

Ҳимоя объектлари	
Моддий	Номоддий
Жиҳозлар, серверлар ва тармоқ қурилмалари, ахборот ташувчилари ва ҳимоя воситалари.	Электрон кутубхона ресурслари, шахсий маълумотлар, дастурий таъминотлар, нуфуз, билим ва тажрибалар.

1-жадвал. Кутубхоналарда ҳимоя объектларининг турлари.



1-расм. Кутубхона ахборот хавфсизлигини тизимини баҳолаш модели

Р. Исмаил ва А. Заинаб кутубхона ахборот хавфсизлиги тизимининг беш поғонага ажратилган баҳолаш моделини таклиф этади (1-расм) [2]. Моделда юқори поғонага кўтарилиб боргани сайин, ахборот тизими хавфсизлигини бошқариш ҳолати мукамаллашиб боради. Биринчи поғона технологик хавфсизликдан иборат аппарат (асбоб-ускуналар) хавфсизлиги, дастурий хавфсизлик, иш ўрни хавфсизлиги, физик хавфсизлик, серверлар хавфсизлиги, маълумотлар хавфсизлиги ва тармоқ хавфсизлигини ўз ичига олади. Ундан кейинги босқич хавфсизлик сиёсати бўлиб, у қонун-қоидалар, бошқарув принциплари ва истиқбол режаларини ўзида мужассам этиши керак. Учинчи поғонада ахборот тизими хавфсизлиги жараёнлари ва тадбирлари тегишли воситалар ва усуллар билан бойитилади. Ушбу формаллашган тизим амалга оширилгандан сўнг кутубхона хавфсизлиги кўпроқ инсонлар йўл қўйиши мумкин бўлган ҳатоларга боғлиқ бўлиб қолади. Якунловчи босқич кутубхона ахборот тизимидан фойдаланувчиларни ўқитиш ва хавфлардан огоҳлик, хабардорлик даражасини ошириш тадбирларини ўз ичига олади.

Кўринадики, кутубхона ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун кўриладиган чора-тадбирлар технологик чоралар ва ташкилий чораларга бўлинади. Технологик чоралар:

1) Аппарат (асбоб-ускуналар) хавфсизлик. Хавфсизликнинг бу турига қуйидагилар мансуб бўлади: телефон линиялари, кириш/чиқиш портлари, модемлар, тармоқ кабеллари, сканерлар, принтерлар ва ахборот ташувчилар. Ушбу қурилмалар ўғрилиқ, таъминотдаги узилишлар, қурилмаларнинг ўзаро мос келмаслиги, эҳтиётсизлик туфайли ускунанинг зиён кўриши, каби турли-туман таҳдидлардан ишончли ҳимояланиши ва кутубхона маълумотларининг бутлиги, махфийлиги ва уларга киришни таъминлаши керак.

2) Дастурий таъминот хавфсизлиги кутубхона дастурий тизимлари, ОРАСлар, Интернет орқали кириш мумкин бўлган онлайн маълумотлар базалари ва ресурслари киради. Дастурий таъминот хавфсизлиги масаласи дастурий таъминот компонентларининг бузилишидан ҳимоя қилиш муаммосини ўз ичига олади.

3) Иш ўрни хавфсизлиги таҳдидларига Ин-

тернет тармоғи ва фойдаланувчилар томонидан содир этилувчи вируслар, ўғирликлар ва рухсат этилмаган фойдаланишлар киради.

4) Тармоқ хавфсизлиги учун кутубхоналар қонуний фойдаланувчиларга кириш рухсатини тўлиқ таъминлаши билан бир вақтда рухсат этилмаган фойдаланувчилар киришини тақиқлай олиши керак.

5) Сервер хавфсизлиги кутубхона электрон почта ва веб сервер иловаларини ҳар қандай хужжатлар, вируслар, хакерлар ва табиий офатлар туфайли қурилмалар ёки иловаларнинг ишдан чиқишидан ҳимоялаш чораларини кўриши керак.

6) Маълумотлар хавфсизлиги. Кутубхона учун ўз маълумотлари хавфсизлигини тасодифий йўқолишлар ва рухсат этилмаган ўзгартиришлардан ҳимоялаш ҳамда қабул қилинган қоидаларга мувофиқ фойдаланишни таъминлаш учун маълумотлар бошқарувининг ишончли тизими зарурдир.

7) Физик хавфсизлик атамаси кутубхона тизими, бинолар ва ёрдамчи инфратузилмалар ёки ресурсларни (ҳаво алмашинуви, электр таъминоти, сув таъминоти ва ёритиш) ёнғин, сув тошқинлари ва хужжатлар билан боғлиқ физик шикастланишлардан ҳимоялаш чораларига тегишлидир.

Ташкилий чоралар:

Ахборот хавфсизлиги сиёсати кутубхона хавфсизлигининг умумий стратегияси билан боғлиқ бўлган сиёсатлар ва бошқарувлар шаклида ёзилган

ҳужжатдир. Ушбу ҳужжатда активларни ҳимоялаш, заҳира нусхаларни яратиш, маълумотларни таснифлаш, функционал мажбуриятлар, фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, ҳақиқийлигини текшириш, махфийлик ва конфиденциаллик қоидалари акс этади.

Чора-тадбирлар ва назорат. Ушбу поғонада интеллектуал мулк ҳуқуқи, конфиденциаллик шартномаси, амалдаги хавфсизлик сиёсатини ўзгартириш масалалари кўриб чиқилиши керак.

Бошқарув воситалари ва усуллари. Ушбу поғонада активлар ҳамда ходимларни хавфсизлик нуқтаи назаридан таснифлаш, ички ва ташқи аудитларни ўтказиш ва хавфларни таҳлил қилиш қоидалари ўрнатилиши керак.

Огоҳлантириш хизмати. Ушбу поғонада ахборот хавфсизлиги таҳдидларидан автоматик равишда огоҳлантириш, маълум масъулиятдан хабардор этиш, ходимларни ўқитиш, хавфларни баҳолаш масалалари ҳал этилади.

Шундай қилиб, ахборот ресурсларининг хавфсизлигини самарали таъминлаш кўп жиҳатдан мазкур масалага комплекс ёндашувга боғлиқдир. Таклиф этилган модел асосида кутубхоналарнинг хавфсизлик даражасини баҳолаш мумкин. Шунингдек, ушбу модел кутубхона ахборот хавфсизлиги тизимини шакллантиришда қандай ҳимоя чоралари ва механизмларини танлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Joanne Kuzma, (2010), "European digital libraries: web security vulnerabilities", *Library Hi Tech*, Vol. 28 Iss 3 pp. 402 – 413. Permanent link to this document: www.emeraldinsight.com/0737-8831.htm
2. Ismail, R. and Zainab, A. N. *Information systems security in special and public libraries: an assessment of status. Malaysian Journal of Library & Information Science*, 2011, vol. 16, n. 2, pp. 45-62. Permanent link to this document: <http://eprints.rclis.org/18216/>
3. Ф. М. Николаевна, И. Э. Михайлович *Обеспечение информационной безопасности электронной библиотеки. КОНТЕНТУС*. 2016 6(42): <http://elibrary.ru/item.asp?id=27179429>
4. Myongho Yi (2011) *Balanced Security Controls for 21st Century Libraries*, *Library & Archival Security*, 24:1, 39-45. To link to this article: <http://dx.doi.org/10.1080/01960075.2011.563132>
5. Z. V. Rodionova and L. K. Bobrov. *Protection of the Information Resources of a Library Based on Analysis of Business Processes. Scientific and Technical Information Processing*, 2016, Vol. 43, No. 1, pp. 20–27.
6. Balas, J. (2005), "Close the gates, lock the windows, bolt the doors: securing library computers", *Computers in Libraries*, Vol. 25 No. 3, pp. 28-30.
7. Thompson, S. (2006), "Helping the hacker? Library information, security and social engineering", *Information Technology and Libraries*, Vol. 25 No. 4, pp. 222-5.